



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Битта мурувват билан ҳотамтой бўлиш мушкул, аммо битта ноҳалис хулоса билан адолатсиз бўлиш мумкин

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 16-mart, seshanba, 31 (23.467)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йиғирма олтинчи сессияси **2021 йил 19 март куни соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига куйидаги масалалар киритилсин:

вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқовнинг "Маҳаллабўйиш ишлаш тизими бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигидаги "Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар", бошқарув офислари ва маҳаллаларга бириктирилган доимий вакиллар таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги тақдироти;

вилоят прокурори (2-сектор раҳбари) Р.Машариповнинг "Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан вилоят 2-сектори томонидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳисоботи;

вилоят давлат солиқ бошқармаси (4-сектор раҳбари) А.Иноғомовнинг "Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан вилоят 4-сектори томонидан ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳисоботи;

вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Иноғомов, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ф.Худойқулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги давлат кадастрлари палатаси вилоят

бошқармаси бошлиғи Ш.Рўзиқуловларнинг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сонли "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашда амалга ошираётган ишлари юзасидан ҳисоботлари;

вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Д.Очиловнинг "Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2020 йил давомида олиб борган фаолияти тўғрисида"ги ҳисоботи;

вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Қ.Ҳасановнинг ва "Самарқанд сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти раҳбари К.Юсуповнинг "Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳудудларида ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари, ички хўжалик йўллари ва уларадаги кўприқларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳисоботлари;

вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Б.Раҳматуллаевнинг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан ҳисоботи;

бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими **Э. ТУРДИМОВ**  
2021 йил 13 март № 45-Қ



## ИМОМ БУХОРИЙ МЕРОСИ – БАШАРИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ

**Самарқандда "Имом Бухорий меросининг ўзига хос хусусиятлари ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти" мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Афғонистон Ислам Республикаси Иршод, ҳаж ва вақф ишлари вазири, Тожикистон Ислам маркази раиси бошчилигидаги делегация ҳамда Ўзбекистондан эллика ақин таниқли уламолар, етук олимлар, нуфузли университетлар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси А.Аҳмедов анжуман катнашчиларини кутлаб, мазкур тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши аҳамияти ҳақида сўз юрди.

Афғонистон Ислам Республикаси Иршод, ҳаж ва вақф ишлари вазири Муҳаммад Қосим Ҳали-

мий, Тожикистон Ислам маркази раиси Саидмукаррам Абдулқодирзода ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Афғонистонда азалдан ўрганиб келинаётган Имом Бухорий илмий меросининг мазмун-моҳиятини батафсил очиб бериш, ушбу мероснинг ўзига хос хусусиятларини баён этиш, афзалликлари ва тарбиявий аҳамиятини кенг ёритиш ҳамда халқларимиз, айниқса, ёш авлодни ёт гоьлардан ҳимоя қилиш ҳамда бузғунчи қарашлардан сақлаш, шунингдек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ижобий янгиланишлар ва ўзгаришларни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган анжуман тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади.

– Муҳаддислар султони Имом Бухорий ҳазратларининг муқаддас Ислам дини ривожига беқасби ҳисса қўшган аллома, – дейди Муҳаммад Қосим Ҳалимий. – Бу улуг зотнинг асарлари бизни қиёматга қадар тўғри йўлга бошлайди. Зотан бу таълимот ҳамма инсонларни куфрга эмас, ҳидоятга чорлайди. Бугун дунёнинг турли минтақаларида турли мутаассиб кучлар Ислам динини никоҳ қилиб, ўзларининг ёт гоь ва қарашларини сингдиришга уринаётган,

биродарқушлик қилаётган пайтда Имом Бухорий ҳазратларининг гоь ва қарашлари, бой маънавий мероси бутун инсониятга тўғри йўлни кўрсатиш, маърифат ва бағрикенглик, эзгуликни тарғиб этишда йўлчи юлдуз бўлади.

Конференцияда Имом Бухорий меросининг ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва мўътадиллиги, ушбу мероснинг миллатлараро тоғувлик ва бағрикенгликни таъминлашдаги роли ҳамда маънавийлик ва адашган тоғфаларга қарши курашдаги аҳамияти, ҳозирги кунда, хусусан, Марказий Осиё халқларининг деярли барчаси узоқ йиллардан бери ушбу ҳадисларга амал қилиб келиши каби афзал жиҳатлар кенг муҳокама қилинди.

Анжуман сўнггида халқаро конференциянинг якуний баёноти муҳокама этилди ҳамда иштирокчилар томонидан қабул қилинди.

Тадбир доирасида халқаро конференция иштирокчиларининг Самарқанддаги муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларга саёҳати уюштирилди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби фаолияти билан яқиндан танишди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,  
А.ИСРОИЛОВ (сурат).**



## Йигитлар хизматга отланди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида 500 нафардан зиёд ёшларни миллий армиямиз сафларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, бўлажак аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов хизматга жўнаётган йигитларга оқ йўл тилади.

– Ватанини қўриқлаш ҳар бир йигит учун муқаддас вазифадир, – дейди чақирилувчи Ёрқин Эрқиев. – Бугун йигитлик бурчимни адо этишга отланман. Эгнимга ҳарбий либос кийиб,

армия сафида хизмат қилишни оруз қилардим. Билдирилаётган ишончни ёруғ юз билан оқлашга, халқимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга сўз бераман.

Тадбир давомида ҳарбий хизматга отланаётган йигитларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳусан ҒОЗИЕВ.**

## Ҳашарда мингга яқин оиланинг уйи таъмирланди

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, худудларнинг эпидемиологик осойишталигини сақлаш, соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилган ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 мартдаги фармойиши асосида 13 март куни ўтказилган "Обод ва кўркем маҳаллам" умумхалқ хайрия ҳашарида 1 миллиондан ортиқ фуқаро қатнашди.

Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг маълумотига кўра, ҳашар давомида 684 гектар майдон ободонлаштирилди. 1462 тонна маийиш ва қурилиш чиқиндилари олиб чиқилди. 710 мингдан ортиқ меваги ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ҳалқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик кўрсатилиб, 997 оиланинг уй-жойи таъмирланди, 429 эҳтиёжманд оиллага моддий ёрдам кўрсатилди.

Эътиборлики, ҳашарда юртдошларимиз ихтиёрий асосда, қалб амри билан иштирок этди.



## Ургутда 8 минг ўринли масжид очилди

Ургут тумани Мерганча маҳалласида саховатпеша инсонлар кўмағида бунёд этилган янги марказий масжид фойдаланишга топширилди.

Умумий майдони 1,06 гектар бўлган масжид икки қаватдан иборат. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 8 мингга яқин намозхон ибодат қилиши мумкин. Масжиднинг ўртасида 36 метр баландликда гумбаз қилинган. Бинонинг тўрт бурчагида 40 метр баландликдаги миноралар қурилган.

– Масжид қурилиши 2013 йилда бошланган эди, – дейди туман бош имом хатиби Шоди Ҳақбердиев. – Бу бунёдкорлик ишлари узоқ вақт давом этган бўлса-да, сифатли бўлди. Саховатли кишилар, қўли гул усталарнинг саъй-ҳаракати билан туманимизда ана шундай кўркем мажмуа, муқаддас ма-



скан барпо этилди.

Бу ерда таҳоратхона, имом хатиб ва бошқа ходимлар учун барча қўлайликларга эга маъмурий бино ҳам мавжуд.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

## Қўқондан қуруқ қайтдик

Жорий йилнинг 13-14 март кунлари "Билим инсонни улуғлайди" шiori остида республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида математика фанидан "Қўқон олимпиадаси"нинг республика босқичи ташкил этилди.

Ёш математиклар беллашувида республиканинг 14 худудидagi Президент, ижод ва ихтисослаштирилган ҳамда хусусий мактаблар ўқувчиларидан иборат 350 нафарга яқин номзод уч гуруҳда иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, "Қўқон олимпиадаси"нинг 3 нафар ғолибига биттадан автомашина совға қилинди. Бар-

ча гуруҳлар бўйича 2- ва 3-ўринни қўлга киритган ғолибларга қимматбаҳо совғалар ҳада этилди. Шунингдек, гуруҳлар бўйича биринчи энг юқори балл тўплаган 10 нафар – жами 30 нафар номзодга Қўқон университетига грант асосида ўқишга қабул қилиш бўйича Инвестицион ваучер тақдим этилди.

Бундан ташқари, "Қоракўл зие" нодавлат ўқув

муассасаси томонидан гуруҳлар бўйича энг юқори баллни қўлга киритган ўн нафар ўқувчи-номзодга математика ва бошқа фанлардан қўшимча билим олиш бўйича бир йиллик бепул ўқиш сертификати топширилди.

Афсуски, вилоятимиздан қатнашган 15 нафар ўқувчининг бирортаси олимпиадада ўрин ололмади.

**Ўз мухбиримиз.**

Самарқандда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва юқори даражада ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлигининг чора-тадбирлар режасига асосан 18 мартдан 22 мартгача сайлар, концерт дастурлари, спорт мусобақалари ўтказилади.

## Бу йилги Наврўз қандай нишонланади?

Жумладан, **18 март куни** Жомбой тумани Қорақасмоқ отчопагида кўпқари мусобақаси бўлади. Наврўз – умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этиладиган вилоят очиқ турнири ғолибларига қимматбаҳо совғалар, жумладан, бош соврин – автомобиль топширилади.

**19 март куни** Мирзо Улуғбек номидаги математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**20 март куни** Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида кураш мусобақаси ўтказилади.

Вилоятнинг асосий байрам тантаналари **21 март куни** ўтказилиши кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида, Регистон ва Рухобод майдонларида, Камол Ота Турк Орзу Маҳмудов кўчалари, Орзу Маҳмудов кўчалари, Университет хиёбони, вилоят мусиқали драма театри майдони, Қорасув массиви, Фарход ҳамда Кимёгарлар шаҳарчасида байрам сайллари бўлиб ўтади.

**22 март куни** вилоят



маҳаллаларида Наврўз тадбирлари ўтказилади.

Байрам арафасида "Энг обод шаҳар ва туман", "Энг обод сектор", "Энг саришта маҳалла" йўналишлари бўйича танловлар ўтказилади, ғолиблар рағбатлантирилади ва энг муносиб худуд тажрибаси омаллаштирилади.

Ижтимоий тармоқларда "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар!" шiori остида кенг қўламли "хештег" тадбирлари ўтказилади.

Байрам тадбирлари доирасида "Ибратли оила", "Обод маҳалла", "Намунали мактаб", "Мохир лапарчи" номили кўрик-танловлар ташкил этилади.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган ёрдамга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олинади.

Сайлов жараёнини назорат қилиш қонун йўли билан тартибга солинмайди. Лекин, ишончли вакилларнинг, кузатувчиларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми кучайтирилди. Бунда оммавий ахборот воситалари нималарга эътибор қаратиши зарур?

# Сайлов жараёни қандай назорат қилинади?

Бу ҳақда юридик фанлар номзоди, Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети декани Раҳматулла Мирзаев куйидагиларни гапириб берди:

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнида сайловчиларни, шунингдек, дунё ҳамжамиятини ахборотлар билан таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим. Негаки, фуқаролар сайловга тайёргарликнинг бориши ва жараён қандай ўтаётганини, сайлов комиссияларининг ишини, уларнинг қарорларини, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлади.

Номзодлар тўғрисида, шунингдек овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали маълумот берилади.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларини қай тарзда амалга ошириши, сайловда қатнашаётган турли сиёсий партиялар ва номзодларнинг асосий сайловолди сиёсий позициялари ва жамиятдаги турли масалаларга қарашларини кенг ёритиб бориши мақсадга мувофиқ.

Оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги яна бир муҳим иштироки уларнинг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Чунки қаердаки жамоатчилик назорати кучли бўлса, ўша ерда одамларда ишончсизлик, шубҳа-ғумон ўй-ғотадиган қаллобликларнинг олди олинади. Шу жумладан, сайлов жараёнида ҳам.

Албатта, бунда журналист ёки блогерларнинг тегишли тартибда рўйхатга олингани муҳим аҳамиятга эга. Негаки, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сайлов кампанияси даврида хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакилларини Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказиши.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов кунини овоз бериш биноларида шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Ташвиқот бошқа шакллар қатори интервюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилади. Ташвиқот оммавий ахборот



воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳам амалга оширилади.

Ташвиқот олиб борилаётганда номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароит таъминланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча номзодлар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Овоз бериш кунини сайлов участкасида соат 8:00 да участка сайлов комиссиясининг раиси, комиссия аъзолари, кузатувчилар билан бирга оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг аъзолари оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов жараёнини кузатиш учун шарт-шароит яратлади.

Таъкидлаш лозимки, сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига оммавий ахборот воситалари вакиллари тақдир қилса-да, оммавий ахборот воситалари ходимлари сайловчига амалий ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас.

Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Ф.РЎЗИБОВЕВ ёзиб олди.

## М.ҚУРБОНОВ, Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи:

– 2020 йилнинг январь-февраль ойларида туман ва шаҳарлардаги давлат хизматлари марказлари томонидан 106 минг 841 та давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 145 985 тани ташкил қилди.

Жумладан, болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш юзасидан 28 минг 173 та, кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 5359 та хизмат кўрсатилган. 5564 тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган.

Аҳолига қўлайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида марказлар томонидан мунгазам равишда олис маҳаллаларда сайёр давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Икки ой давомида вилоятимизнинг энг чекка ва олис ҳудудлари, аҳоли гавжум бўлган жойларда 3746 та сайёр хизмат кўрсатилди. 100 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари сайёр тартибда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўз навбатида вилоятдаги 16 та ваколатли органларнинг жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолияти ўрганилганда, улар томонидан 1644 та ҳолатда қонунбузи-

## Йилнинг икки ойида давлат хизматлари кўрсатишда 1644 та қонунбузилишига йўл қўйилган



лиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Хусусан, 1512 ҳолатда давлат хизматлари кўрсатиш муддатлари бузилган, 21 ҳолатда тўғридан-тўғри давлат хизматлари кўрсатилган, 40 ҳолатда ортиқча ҳужжат талаб қилинган, 21 ҳолатда мурожаатлар асосси рад этилган. Соҳалар кесимида "Самарқанд сув таъминоти" МЧЖ ва унинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан 613, давлат солиқ идоралари томонидан 398, давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан 310 ҳолатда қонунбузилишига йўл қўйилган.

Ушбу ҳолатлар бўйича ваколатли идораларнинг раҳбарлари номига 4 та тақдирнома ва 86 та огоҳномалар киритилди. 70 нафар айбдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилди.

Фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари давлат хизматларидан нафақат марказларга келиб, балки Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz манзили орқали ҳам онлайн тарзда фойдаланиш имкониятига эга. 2020 йилнинг 1 мартидан 2021 йилнинг 1 мартига қадар ушбу портал орқали вилоят бўйича 8782 та ариза тушган. Онлайн тарзда давлат хизматларидан фойдаланилганда хизмат учун тўланадиган давлат божиди 10 фоиз имтиёз берилди.

2020 йилнинг 1 мартдан мамлакатимизда янги намунадаги кадастр паспорти берилди бошланди. Жорий йилдан бошлаб Самарқанд вилоятда ҳам ана шундай намунадаги кадастр паспорти берилиши режалаштирилган.



## Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди қандай олинмоқда?

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ақром Ҳалимов иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида вилоят ҳудудида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.



Қайд этилишича, 2020 йилда вилоят ҳудудида содир этилган 5307 та жиноятнинг 740 таси оғир ва 279 таси ўта оғир турдаги жиноятлар ҳисобланади. Шу даврда номусга тегиш 16,2 фоизга ва фирибгарлик жинояти 37 фоизга ошган.

Жиноятлар таҳлиладан келиб чиқиб, ҳудудий ички ишлар ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлиmlари ҳамкорлигида маҳаллаларда яшовчи 3 миллион 928 минг нафар фуқаролар орасидан жиноят содир этиши ва жиноят қурбони бўлиши эҳтимоли юқори бўлган 70 минг 151 нафар шахс рўйхати шакллантирилган. Улар 44 та тоифага ажратилиб, профилактик тадбирлар амалга оширилган.

Шунингдек, вилоят ҳудудида яшовчи жиноят содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан тезкор-про-

филактик тадбирларни янада кучайтириш мақсадида "Тафтиш" тадбири, "Тазйик ва зўравонликка қарши курашиш ойлари", "Ичкиликбозликка қарши курашиш ойлари" махсус профилактик тадбирлари ўтказилган.

"Турмуш" ва "Тозалаш-Антитеррор", "Назорат" "Тиг" ва "Давомат" тадбирлари ҳам ҳудудий профилактика инспекторлари фаол иштирок этган.

Натижада оғир тан жароҳати етказиш 5 фоизга, талончилик 7,7 фоизга, қотиллик 11,4 фоизга, ўғрилик 11,5 фоизга, автотранспорт воситасини олиб қочиш жиноятлари 11,8 фоизга, безорилик 20,9 фоизга камайишига эришилган.

Қайд этилишича, 2020 йилда ҳар бир маҳаллада профилактика инспекторлари лавозими жорий этилиб, улар сони 1096 нафарга етказилган.

– 2021 йилнинг ўтган 2 ойида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил бўлган 3271 нафар фуқаро профилактика ҳисобга олинди, – деди А.Ҳалимов. – Шунингдек, жамоатчилик билан ҳамкорликда оила-турмуш доирасида низоли ҳолатлар навжуд 210 та оиладан 179 тасининг ижтимоий муҳити соғломлаштирилди, 42 та ёш оилалар ажралиб кетишининг олди олинди.

Профилактика инспекторлари томонидан 37 та жиноятлар фош этилиб, 8 нафар қидирувда бўлган ва 1 нафар бедарак йўқолган шахслар аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш агентлиги томонидан дори-дармон нархлари бўйича истеъмолчиларга қўлайлик яратиш мақсадида ўтган йилнинг ноябрь ойида @dorinarx-bot ташкил этилди ва мазкур bot га 3000 дан ортиқ дори-дармон нархлари жойлаштирилди. Ҳар қандай истеъмолчи мазкур тармоқ орқали ўзини қизиқтирган дори нархи тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилди.

## @dorinarx-bot да барча дори нархларини топиш мумкин

Ҳудудий тузилма томонидан 2020 йил давомида аҳолининг ҳуқуқий билими ва истеъмолчилик маданиятини ошириш мақсадида вилоятдаги бир қатор коллежларда, ўрта таълим мактабларида, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тақшилотларида семинарлар, тарғибот тадбирлари ўтказилди. Аҳолига чакана савдо ва алоқа хизматларини кўрсатиш юзасидан 600 дан ортиқ фуқаролар ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди.

"Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ва "Худудгаз Самарқанд" газ таъминот филиали томонидан аҳоли хонадонларига ўрнатилган замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиш жараёнида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 169 та хонадонда ўрганиш ишлари ўтказилди. Истеъмолчилар хонадонларига биринчи мартаба маиший газ баллонни ўрнатиб, ишга тушириш хизмати нархи 112 минг 651 сўм миқдорига тариф белгиланганлиги маълум бўлди. Бироқ ўрганишда "Жомбойтумангаз" бўлими томонидан истеъмолчиларга маиший газ баллонларни ўрнатиш бўйича хизматлар кўрсатилмасдан тўловлар ундирилганлиги қайд



этилди ва аниқланган қонунбузарликлар юзасидан ҳудудий бошқарманинг махсус комиссияси томонидан "Худудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиалига Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 21-моддаси, 2-қисми талабларининг бузилиш ҳолатини тўхтатиш ва истеъмолчилардан асоссиз ундирилган 368 миллион 997 минг сўм маблағларни истеъмолчиларга қайтариш юзасидан кўрсатма берилди.

Чарок ЮНУСОВА, Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.

## Сектор ҳаёти: "Одамлар бугун бахтли бўлади(ми?)"

Пайариқ тумани прокурори Шухрат Тоштемиров раҳбарлик қилаётган 2-сектор ҳудудида 14 маҳаллада 62 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳудудда 714 оила "Темир дафтар" қиратишган эди. Қўрилган қоралар туйғайли 464 оила доимий даромад манбаига эга бўлди. Умуман, сектордаги 1039 киши мавсумий ва доимий иш билан таъминланди.

Ўтган даврда 121 нафар ишсиз хотин-қиз "Paradise wait gold tekstile" МЧЖнинг амалий ёрдами билан корхонада назарий ва амалий машғулотларга жалб қилинди. Улардан 40 нафари корхонанинг ўзида, бошқалари эса тегишли тартибда иш билан таъминланди. Жумладан, 30 нафар опа-сингилларимизга мустақил фаолият юриштилари учун тикув машиналари олиб берилди.

Сектор ташаббуси билан уч марта

меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, 22 нафар аёл ва ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, прокуратура ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида 60 нафар хотин-қизга тиббий ёрдам кўрсатилди, 40 нафарига 33 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди, 330 нафарининг бандлиги таъминланди.

Мисол учун, Турки бола маҳалласида яшовчи З.Абдиевага 2 сотихли иссиқхона қуриб берилди.



Сектор раҳбари ташаббуси билан ҳудуддаги 10 нафар ёлғиз аёл уй-жой билан таъминланишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Шўртепа маҳалласида олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Негаки, бугун қишлоқдаги 250 хонадон тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди. Ҳўжаликлараро 6,8 километр йўлга шағал ётқизилди, маҳалла ичидан ўтувчи асосий йўлнинг 4 километр қисми таъмирланди. Ҳадемай қиймати 4,5 миллиард сўмлик 140 ўринли мактабгача таълим маскани қурилади.

Пардабой ЭРГАШЕВ.

## Зўравонликнинг илдиэлари муҳокама этилди

Самарқанд давлат университети психология ва ижтимоий муносабатлар факультетида республика «Оила» илмий-тадқиқотлар маркази грант раҳбари, психология фанлари номзоди, доцент Феруза Акрамова ва СамДУ психология назарияси ва кафедраси катта ўқитувчиси Муқаддам Товбаева муаллифлигида яратилган «Оилада зўравонлик профилактикаси ва ижтимоий-психология реабилитацияси» номли монография тақдимоти бўлиб ўтди.

– Оилада содир этиладиган зўравонликлар шахс руҳиятига таъсир кўрсатиш, кўрқитиб бўйсундириш, мажбурлаш, ҳўрлаш, жабр-зулм, зўравонлик қилиш, сирини фош этишни айтиб кўрқитиш, уйдан ҳайдаб юборишга ҳаракат қилиш, болаларни калтаклаб аламини улардан олиш, ожиз аҳволда қолдириш ёхуд ўзига бўйсундириш шаклларида намоён бўлади, – дейди Ф.Акрамова. – Афсуски, жамиятимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислохотлар айрим шахслар томонидан

тўғри қабул қилинмаяпти, улар оилавий муносабатларда нохуш ҳолатларга йўл қўймоқдалар, хотин-қизларимизнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини етарли даражада билмасликлари эса ушбу иллатлар таъсирини кучайтирмоқда.

Бу ҳолатларнинг психологик ечимлари, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, зўравонликнинг кўринишлари ва келиб чиқиш сабаблари китобда батафсил ёритилган. Ҳў муҳбиримиз.

тўғри қабул қилинмаяпти, улар оилавий муносабатларда нохуш ҳолатларга йўл қўймоқдалар, хотин-қизларимизнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини етарли даражада билмасликлари эса ушбу иллатлар таъсирини кучайтирмоқда.

Бу ҳолатларнинг психологик ечимлари, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, зўравонликнинг кўринишлари ва келиб чиқиш сабаблари китобда батафсил ёритилган. Ҳў муҳбиримиз.



## Мустақиллик йиллари Самарқандда

1998 йил, сентябрь

Вилоятда бўйича 6 минг нафар ўқувчини қабул қиладиган 27 та янги мактаб фойдаланишга топширилди.

Оилаларнинг уй-жой билан таъминланиши яхшилаш учун жами молия манбалари ҳисобидан 552 минг квадрат метр (шундан 90 фоиздан ортиғи қишлоқларда) уй-жой фойдаланишига топширилди. 276 километр газ ва 136 километр тоза ичимлик сув тармоқлари ётқизилди, 8,5 минг квадрат метр савдо, 4130 ўринли умумий оёқлатиш ва 126 та маиший хизмат шохбачаси очилди. Оилалардаги ишсизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 16,1 миллион сўм маблағ сарфланди ва 7 минг киши ишга жойлаштирилиб, 700 нафар фуқаро қайта ўқитилди.

октябрь

12 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг буйруғи билан Алишер Ҳусайнов Самарқанд вилояти прокурори этиб тайинланди.

14 октябрь куни вилоят ҳокимининг "Ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиши янада кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

23 октябрь куни Челақ туманининг Хартанг қишлоғида буюк муҳаддис таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан тикланган Имом Бухорий масжид-мажмуасининг очилиш маросими муносабати билан Ислон Каримов Самарқандга келди.

"Имом ал-Бухорийи ва унинг дунё маданиятида тугган ўрни" мавзусида илмий конференция ўтказилди ва жаҳоннинг қирққа ақин мамлакатидан меҳмонлар келди. Анжумани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар бўйича қўмита раиси М.Мирмахмудов очди.

ноябрь

9 ноябрь куни биринчи қаҳирчи халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг фармонида мувофиқ, Алишер Мардиев вазифасидан озод қилиниб, Эркин Рўзиев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинланди.

Вилоят деҳқонлари давлат қабул пунктига 250 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди.

14 ноябрь куни АҚШ Конгрессининг сенатори Ричард Шелби бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

«21 март – Абдулла Орипов туғилган кун»

Буюқларнинг буюқлиги шундаки, улар оддий сўз ва сўз бирикмаларидан ўта таъсирчан сатрлар ясайдилар. Сўзларни жой-жойига қўйиш ва уларга ўз ўрнида керакли маънони юклаш фақат ўта зукко, донишманд, кучли руҳшунос инсонларгагина хос бўлган ноёб фазилатдир. Шундай илоҳий истеъдодга эга бўлган шоир ва ёзувчилар асарларини ўқисангиз, завқ оласиз, ҳузур қиласиз. Энг муҳими, юқорида айтилганидек оддий, ўта жўн сўзлар воситасида аини муд- дао фикрлар ифода этилганини кўриб қойил қоласиз.

## «Дўстлар учрашади, Салом! Яхши қол...»

Абдулла Орипов ана шундай ноёб истеъдод соҳибларидан эди. Камина тақдир тақозоси туфайли бу улғу шоир билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлардан баҳраманд бўлиш шарафига муяссар бўл- ганман. Илк учрашув. 1976 йил Самарқандда «Ўзбек адабиёти ва санъати» кунлари ўтказилган пайтга тўғри келганди. Ўзбекистонимиз- нинг кўзга кўринган санъаткорла- ри, ёзувчи ва шоирлар, актёрлар иштирокида виллоятимиз туман ва шаҳарларида, корхона ва ташкилот- ларда учрашувлар ташкил этил- ганди. Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров бошчили- гига бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар СамДАҚИга келганди. Улар орасида, ўзбек шеърини осмонда «ярқ» этиб пайдо бўлган «юлдуз» Абдул- ла Орипов ҳам бор эди. Шоирнинг дастлабки шеърини тўпламлари эндигина чиққан бўлишига қара- май, эл чида жуда машҳур бўлиб кетганди. Институт фаоллар зали унинг мухлислари билан тўлган эди (институт партия ташкилотининг котиби русийзабон бўлганлиги учун учрашувни олиб бориш менга юк- латилганди).

Мирзо Улуғбек номининг берилиши узукка кўз қўйгандек мос эканлиги ҳақида кириш қилиб, сўнгги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Шоир сўзининг якунида:

*«Дўстлар учрашади,  
Салом, яхши қол,  
Шунинг ўзи эрур  
таржимаи ҳол,  
Рақиблар учрашар  
жанг бўлар пухта,  
Таржимаи ҳолга  
қўйилар нукта»,*  
деб тугатди. Савол-жавоблардан сўнг, умуман учрашувнинг поёнига етганлигини эълон қилатуриб, шоир айтган тўртлигининг биринчи қис- мини хотима сифатида қўладик. Яъни, шоир билан бугунги учрашув – кадрдон дўстлар учрашуви бўлди ва институтимиз таржимаи ҳоли- нинг ёрқин саҳифаларидан бири- ни ташкил қилиши мўжаррад, деб тугатдим.

Учрашув тугаб, ташқарига чиқи- шимиз билан Абдулла Орипов менга мурожаат қилди:

- Сиз ҳозирги шеърни қаердан олдингиз...?  
- Ўзингиз ўқидингиз-ку, – дедим.  
- Мен уни ҳозир президиумда ўтириб ёздим, ҳали у бирор жойда чоп этилмаган-ку...!  
- Абдулла ака, Сиз элда шун- чалик ардоқлисизки, ҳар айтган сўзингиз уларнинг онгида, ёдида қолади, вужудига сингиб кетади.  
Афсуски, ушбу учрашув акс этган фотосурат янги турар жойга кўчиб ўтишимизда йўқолиб қол- ган....

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

«Абдусалом Дехотийнинг 110 йиллиги муносабати билан»

## Боғимайдонда тилшунос олим ва таржимон Абдусалом Дехотий номидаги кўча бўлган

Вилоят А.Пушкин номидаги ахборот-кутубхона марказида ёзувчи, драматург, тилшунос олим, Самарқанд фарзанди – Абдусалом Дехотийнинг 110 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.



Самарқанд заминидан азалдан истеъдодли адиблар ва зукко олимлар, ҳунарманд ва санъат аҳли, ер тилини биладиган бободехон ва соҳибкорлар камол топган. Улардан бири шу шаҳар- да туғилиб, вояга етган, Самарқанд адабий мактабининг истеъдодли адиби, таржимон, олим Абдусалом Дехотий- дир.

Абдусалом Пирмухаммадзода Дехотий 1911 йилнинг 14 мартида Самарқанд яқинидаги Боғимайдон қи- шлоғида туғилди. У 1930 йилда ўрта мактабни тамомлаб, республика «Ҳақиқати Ўзбекистон» редакциясида ва Тожикистон давлат нашриётининг Самарқанд бўлимида ишлаб бошлади. 1935 йилда Душанбега кўчиб бориб, адабий журнал танқид бўлимининг мудири ва масъул котиби бўлиб ишлади. Шундан кейин «Шарқи сурх» (ҳозирги «Садои Шарқ») журналининг масъул котиби, Тожикистон Ёзувчилари уюшмасининг котиби, Тожикистон давлат нашриёти бош муҳаррири сифатида фаолиятини давом эттирди.

«сув» сингари ўнлаб тўпламлари нашр қилинади. Шоирнинг кўпгина шеър- лари рус ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган. А.Дехотий драма- тургия соҳасида ҳам самарали қалам тебратган адиб. У Мирзо Турсунзода билан биргаликда «Хусрав ва Ширин» мусиқали драматик либреттосини, «Восе кўзголини», «Комде ва Мудан» операларининг либреттосини ярат- ган.

Адибнинг 1965-1966 йилларда Ду- шанбедаги «Ирфон» нашриёти томони- дан нашр қилинган 5 томли «Асарлар тўплами»дан турли йилларда ёзган асарлари жой олган.

А.Дехотий ўзбек адабиётининг йирик намояндалари Ҳамид Олимжон, Гофур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин, Уйғун билан ижодий ҳамкорлик қилиб, ўзбек-тожик адабий алоқа- ларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган бағрикенг адиб эди. Унинг «Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий», «Икки тил ва икки адабиёт устози ва «Дўстлик оила- сида», «Дўстлик боғининг самараси», «Ҳожи Абдулазиз», «Ҳалима Носирова Душанбеда» номли ўнлаб публицистик мақолаларида икки давлат ўртасидаги дўстлик-биродарлик, ижодий ҳамкор- лик, устоз ва шогирдлик аъёналла- рини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олган.

Абдусалом Дехотий маорифпарвар ўзбек шоири Муқимийнинг

Мулки Ҳинду Марвдин келсам,  
топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий,  
мардуми Фарғонаман!  
матлабси билан бошланадиган «Эй пари!» номли ғазалини тожик тилига равон ва хотирада қолари қилиб гўзал таржима қилган:  
Гар зи Ҳинду Марв оям,  
обру меёфтам,  
Айбам ин аст, Эй Муқимий,  
мардуми Фарғона ман!

У ўттинчи йилларда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи- ни устози С.Айний тахрири асосида муваффақиятли таржима қилган. Аф- суски, роман ўз вақтида нашр қилин- маган ва йўқотилган. Бу ҳақда таниқли адиблар Болта Ортиқзода ва Фазлид- дин Муҳаммадиевларнинг дард билан ёзган хотиралари мавжуд. Кейинчалик А.Дехотий Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедияси ва Баҳром Раҳмо- новнинг «Кўнгил силлари» драмасини тожик тилига таржима қилади. Бу асарлар узок йиллар А.Лоҳутий номли Тожикистон академик драма театри репертуридан муносиб жой олиб, то- жик томошаларининг севимли саҳна асарларига айланган эди.

Истеъдодли адиб Абдусалом Дехо- тий хотирасини абадийлаштириш, унинг ижоди бўйича илмий-амалий анжуманлар, мушоиралар ташкил қи- лиш лозим. Шунингдек, адиб туғилиб ўсган Боғимайдон қишлоғида унинг номига қўйилган кўча номини тиклаш, у яшаган ҳовлида уй-музейни очиш ҳамда ёдгорлик лўвчасини ўрнатиш буюк адибга кўрсатилган юксак эҳти- ром бўлади.

Абдусалом САМАДОВ.

## Илм захматидан завқ олган олим

Нуробод туманида Узку деб аталувчи мў- жазина қишлоқ бор. Бу қишлоқнинг номи Самарқанд давлат университети (ЎЗГУ) билан боғлиқ. Қишлоқдан турли соҳаларда фа- олият юритаётган ўқимши, зиёли инсонлар етишиб чиққан. Яқинда филология фанлари доктори илмий даражасини олган Исмоил Бобоқулов ҳам шу қишлоқдан.

И.Бобоқулов ўзининг иш фаолиятини Нуробод тумани газетасида бошлаган эди. Кейинчалик Сам- ДУнинг рус филологияси факультетини имтиёзли тугатиб, Навоий давлат педагогика институтида ўқи- тувчи, декан ўринбосари сифатида фаолият кўрсат-

ди. 1993 йилдан СамДУ рус тили кафедрасида ўқитувчи, доцент, рус филологияси фа- култеги декани ўринбосари, ҳозирда кафедра мудири лаво- зимида фаолият юритмоқда.  
Домла 1995 йил ТўшДУда номзодлик диссертациясини химоя қилган бўлса, яқинда СамДЧТИ қошидаги Илмий кенгашда докторлик (DSc)ни ёқлади. Олима берилган ушбу илмий даража универси- тет рус филологияси факультетининг кейинги чорак аср тарихидаги биринчи фан докторлиги ҳисобланади.  
Устоз 100 га яқин илмий мақолалар, 10 дан зиёд



«Ёнимиздаги одамлар»

ўқув-услубий адабиётлар ва иккита монография муал- лифи ҳисобланади. Олим узок йиллик ишлари, илм олиш ва уни ривожлантириш йўлида чеккан зах- мати эвазига муваффақиятга эришди. Аини кунларда устоз рус ва ўзбек тилшуносининг лексика, сўз яса- лиш, морфемика, морфология ва синтаксис бўлимига бўйича икки нафар мустақил тадқиқотчи PhD, бир нафар шогирди филология фанлари бўйича доктор- лик диссертациясига илмий раҳбарлик қилмоқда.

Бугун ўзбек ва рус тилларининг сўз ясалаш хусу- сиятларини ҳар томонлама қиёсий ўрганиш ишларини давом эттираётган И.Бобоқуловга соғлик-саломатлик, илм йўлидаги фаолиятига омад тилаймиз.

А.ШЕРХОЛОВ.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

# САМАРҚАНД ШАҲАР

## «КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ»

### ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни улғу айём –

# НАВРЎЗИ

# ОЛАМ

билан чин дилдан табриклайди.

**ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ МЕҲНАТИНГИЗДА УЛКАН ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!**

**ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!**  
Иштихон тумани ҳокимлиги қайта ташкил этиш комиссияси томонидан туман захираси ҳисобида бўлган 1-лойиҳа бўйича тумандаги «Кўрлисий навадкор» агрофирмаси ҳудудидаги 190-192-рақам- ли контурлардаги жами 6 га. ер майдони узумчилик йўналишида ҳамда 2-лойиҳа бўйича тумандаги «Сариқтепа техника- лари» ММТП ҳудудидаги 215-рақамли контурдаги 8,3 га. ер майдони пахта, галлачилик ва чорвачилик йўналишлар- ида фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун танлов ўтказилишини маълум қилади.

Аризалар газетанда эълон чоп этил- ган, ўн кун мобайнида қабул қилинади. Танловга оид барча масалалар юзасидан туман қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат этишингиз мумкин.  
**Манзил: Иштихон тумани қишлоқ хўжалиги бўлими биносининг 2-қа- вати. Телефон: 66-629-25-45.**

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**  
Самарқанд шаҳридаги «MEGA SEZON ROYAFZAL» масъулияти чекланган жамия- ти (СТПР: 305027167) ўз устас фондидан 150 032 345 (бир юз эллик миллион ўттиз икки минг юз қирқ беш) сўмдан 145 403 592 (бир юз қирқ беш миллион тўрт юз уч минг беш юз тўқсон икки) сўмга қамайтормоқда.  
Шу муносабат билан унга билдири- ладиган барча даъволар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қи- линади.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Спита- нен кўчаси, 153-“А” уй.**

**Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муҳам- мадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасида марҳум Эшқобилов Фарҳод Аманбоевичга (2020 йил 25 июнда ва- фот этган) тегишли мол-мулк учун ме- рос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўракулович нотариал идорасига муро- жаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-ўй.****

**Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракулович нотариал идораси- да марҳум Ҳашимова Зулайхога (1993 йил 31 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўрай- миз.  
**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.****

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Баҳрамова Феруза Заировна нотариал идорасида марҳум Абдурахимова Хосиятга (2018 йил 2 августда вафот этган) тегишли мол- мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу му- носабат билан меросхўрларнинг Баҳрамо-

ва Феруза Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-ўй.**

**ПАЙРИҚ ТУМАНИДА ХУСУСИЙ АМА- ЛИЁТ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ НОТАРИУС ОРТИҚБЕКОВ АЗИЗ АЗАМАТОВИЧ НОТАРИАЛ ИДОРАСИДА** марҳум Худайбердиев Оманбойга (2016 йил 20 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбеков Азиз Аза- матович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-ўй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Фўқаролар Тўлиев Келдиёр Исанович ва Хусанов Оруз Облакўловичлар ўрта- сида 2007 йил 26 декабрда Самарқанд шаҳри Кимёгарлар кўрғони, 29-квартал, 23-«А» уй, 15-хонадон учун тузилган, Са- марқанд шаҳар давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган, 2-2785 рақамли олди-сотди шартномасининг сотиб олу- вчидаги нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан 2007 йил 26 декабрда Хусанов Оруз Облакў- ловичга қарашли Самарқанд шаҳри Ки- мёгарлар кўрғони, 29-квартал, 23-«А» уй, 15-хонадон учун берилган 29432 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолган- лиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон тиббиёт билим юртидан 1999 йилда Шодиева (ҳозирда Каримова) Шахноза Улуғбековна номига берилган рўйхат рақами 1350, Т № 336566 рақам- ли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
Паст Дарғом туманидаги Хасанов Маъ- руф Абдурахмон ўғли яқка тартибдаги тадбиркорининг (СТПР: 503297144) ду- малок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолган- лиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 23-ўрта мак- табдан 1996 йилда Алматов (ҳозирда Анорова) Нилуфар номига берилган UZI № 357965 рақамли таянч маълумот тўғри- сидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
Тойлоқ туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Ҳайдаров Алишер Раҳматжон ўғли номига берилган U № 4303960 рақамли умумий ўрта таъ- лим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолган- лиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Джау- га шарова Дилфуза Сайранбековна номига берилган O' R-SH № 0613270 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол- ганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Аллаёров Обид Худайбердиевич номига берилган U № 1081901 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар 1-Физика матема- тика лицейидан 2008 йилда Восеев Дил- мурод Хусенович номига берилган O' R-SH № 0813553 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фўқаролар Джаборов Аслидин Хужа- муротович ва Суванова Насивалилар ўр- тасида 2009 йил 10 сентябрда Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли (собик Акмал Икромов) кўчаси, 54-ўй, 26-хонадон учун тузилган, Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович томонидан тасдиқланган, 6963 рақам билан реестрга киритилган олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Са- марқанд шаҳар филиалидан 2009 йил 26 ноябрда Суванова Насивалига қарашли Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли (собик Акмал Икромов) кўчаси, 54-ўй, 26-хо- надон учун берилган 26962 рақамли ка- дастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети- дан 2010 йилда Раҳмонова Фарҳунда Меҳроҷқулловна номига берилган рўйхат рақами 1962, М № 051318 рақамли дип- ломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Қўшбоев Анвар Авазович номига берилган O' R-A № 1771436 рақамли ўрта маълумот тўғриси- даги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 84-ўрта мактабдан 1994 йилда Холмирзаева Наргиза Ше- ралиевна номига берилган А № 495660 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**АНИҚЛИК КИРИТИЛАДИ**  
«Зарафшон» газетасининг 2021 йил, 25 февраль, 23-сон, 3-саҳифасида «ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИ- ЛАДИ» сарлавҳаси остида Самарқанд ви- лояти транспорт бошқармаси томонидан 2021 йил 30 март кунин тендер танловлари ўтказилиши ҳақида эълон чоп этилган- ди. Эълондаги «2021 йил 19 март кунин соат 18:00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлар лозим» жумласи «2021 йил 25 март кунин соат 18:00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим» деб ўқилсин.

# «МАТБУОТ УЮШМАСИ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ:

Азиз юртдошлар! Сизларни яшариш ва янгиланиш байрами –

## Наврўзи олам

билан табриклаймиз!



Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга  
кириб борсин! Барчангизга  
мустаҳкам соғлик,  
оилавий бахт тилаймиз.



Хизматлар лицензияланган.

### «САМАРҚАНД ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ»

акциядорлик  
жамияти



барча ватандошларимиз ва  
соҳа ходимларини

## Наврўз айёми

билан табриклайди.

МУСАФФО ОСМОНИМИЗ ВА ЮРТИМИЗ  
ОСОЙИШТАЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!



Хизматлар лицензияланган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ  
ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ЖАМОАСИ  
барча юртдошларимизни

## НАВРЎЗ

байрами билан  
самимий қутлайди.

ОМАД, БАХТ ДОИМ ҲАМРОҲИНГИЗ  
БЎЛСИН. БАЙРАМ ЮРТИМИЗГА ТИНЧЛИК,  
ҚУТ-БАРАКА КЕЛТИРСИН!



Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ  
ВЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va  
«Самаркандский  
вестник»  
gazetalari tahririyati  
mas'uliyati  
cheklangan  
jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot  
agentligining Samarqand viloyat matbuot va  
axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda  
09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr 100. Indeks 438.  
18 679 nusxada chop etildi. Buyurtma 194

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va  
shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56  
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy,  
Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.  
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.  
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:  
G'.HASANOV.

Navbatchi:  
T.SIDDIQOV.

Sahifalovchi:  
B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X



9 772 010 667 009